O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. N

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 8 февраль, № 26 (3571) Сешанба





## Маҳаллийлаштириш дастурининг ижобати



Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар орасида "Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи" акциядорлик жамияти бугунги кунда иқтисодиётимизда ўз ўрни ва мавқеига эга. Собиқ депо ўрнида ташкил этилган бу корхона 2001 йилда республикамиз ҳукумати кўмагида 350 дона ўта замонавий технология билан жиҳозланиб, тўла қувватда ишлаши таъминланди. Ўтган даврда бу ерда 700 дан зиёд йўловчи вагон сифатли таъмирланди. Шу билан бирга, 80 та электр поездининг вагонлари модернизация қилинди. Ҳолбуки, авваллари бундай юмушлар қаттиқ валюта ҳисобига Россиядаги заводларда бажарилар-ди.

"Тошкент-Самарқанд" йўналишидаги "Регистон", "Тошкент-Бухоро" йўналишидаги "Шарқ" жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган поездларининг "эконом класс", "бизнес класс" вагонлари ҳам айнан шу корхонада тайёрлангани кўнгилда ғурур уйғотади. Зеро, соатига 160 километр тезликда ҳаракатланаётган ушбу поездларнинг вагонларидаги йўловчилар учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган барча шарт-шароитлар яратилганки, улар ҳатто ортиқча силкиниш ва шовқинни ҳам сезмайдилар.

Бундай сифатли ва шинам вагонлар қўшни мамлакатлардаги шу соҳа кишиларини ҳам ром этмоқда, албатта. 2004 йил давомида 2 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизмати кўрсатилгани бундан далолат беради.

Ҳозирги кунда корхонада 954 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг қўлида сайқал топган маҳсулотлар Халқаро стандартлаштириш бўйича сифат менежменти тизими – ИСО-9001га эришиш арафасида турибди. Умид қиламизки, бу албатта, қўлга киритилади.

**СУРАТЛАРДА: "Тошкент йўловчи поездлари таъмирлаш заводи" акциядорлик жамияти жамоаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## ОҚСАРОЙДА КЕНГАШ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан амалий кенгаш ўтказди.*

Кенгашда давлатимиз раҳбари Президентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" дастурий маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича асосий талаблар ва ҳукуматнинг иш тамойилларини белгилаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тадбиркорлик учун эркин шароит яратмасдан туриб юқори иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги асосий принципиал хулосани яна бир бор таъкидлади.

Қайд этилдики, ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир. Бу борада асосий эътибор тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни, фермерликни фаол ривожлантиришга халал берувчи барча сунъий ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилиши даркор.

Шу муносабат билан Президентимиз томонидан мамлакатни ислоҳ қилишда давлатнинг етакчилик роли тўғрисидаги жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бирини амалга ошириш механизми ойдинлаштирилди ва ҳукумат аъзолари, барча даражадаги ҳокимлар, юқори давлат лавозимларини эгаллашдек юксак ишонч билдирилган барча кишилар ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳалар ҳамда ҳудудларда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий ташкилотчиси бўлиши кераклиги ҳақидаги вазифа қўйилди.

Президент давлат аппарати ходимларига қўйиладиган иккита энг асосий муҳим мезонни белгилаб берди. Биринчидан, топширилган ишга масъулият билан ёндошиш. Иккинчидан, билим, малака ва тажрибага асосланган омилкорлик.

Кенгашда давлатимиз раҳбари томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишидаги, аҳолининг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётган давлат ҳокимиятининг жойлардаги ижро органлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга коррупция, порахўрлик, шахсий содиқлик ёки қариндош-уруғчиликка асосланган таниш-билишлик каби хунук ҳолатларга қарши курашни кучайтириш вазифаси топширилди.

Ҳукумат олдига мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги стратегик вазифалари бюрократик тўсиқлар, сансалорлик, аппарат амалдорларининг масъулиятсизлиги туфайли бажарилмай қолиб кетишига йўл қўймаслик борасида қатъий вазифалар қўйилди.

Мажлисда Президентимиз ҳукумат, вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарларига ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фаолият усули ва натижаларини такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Пировардида Ислом Каримов барча даражадаги сайлов кампанияси ниҳоясига етган, вакиллик органлари ва янги ҳукумат шаклланган ҳозирги пайтда мамлакат аҳолиси, ҳар бир оила ҳақли равишда ҳаётининг яхши томонга ўзгаришини кутаётганини таъкидлади ва Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлашига ишонч билдирди.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

Тошкентда БМТ шафеълигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда БМТ вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Юртбошимизнинг ушбу таклифи доирасида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда БМТнинг қуролсизланиш бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб борилаётир. Женева, Бишкек, Тошкент, Саппоро, Ашхабод ва Самарқанд шаҳарларида ушбу масалага бағишланган амалий учрашувлар ўтказилди.

Бу галги йиғилишда Шартнома лойиҳасининг матни юзасидан ядровий қуролга эга мамлакатлар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган таклиф ва шарҳлар муҳокама этилмоқда. Улар асосида иштирокчи томонлар бу борадаги умумий келишувни ишлаб чиқади.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Долзарб мавзу

### *II. Шу икки тушунчанинг ялакат мағзи*

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, бу муҳим стратегик масала бугун ёки кеча кун тартибига қўйилаётгани йўқ. Бундан 14 йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мустақил республикамиз иқтисодиётини қайта қуриш ва янгилашнинг устувор йўналишлари, уларнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб берилган эди. Кейинроқ, 1994 йилда эса, Президентимиз яна айни шу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деб таъкидлади: «Аввалги давлат таъминоти деган гап энди йўқ. Ҳар бир корхона ўз хўжалик алоқаларини боғлаши, валюта ишлаб топиши, халқаро корпорацияларга кириши, ана шу йўл билан қайта жиҳозланиши — дунё бозорига чиқиши керак!»

Бу вазифаларни рўёбга чиқариш жараёнида, аввало, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган принципга амал қилинди. Яъни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар асосан мавжуд корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бой табиий ва минерал-хомашёмиз салоҳиятидан, ишчи ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш, шу тариқа экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан бошланди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: айтайлик, корхонада 300-500 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Бу ерда ўрнатилган асбоб-ускуналар эса аллақачон ўз «умри»ни яшаб улгурган. (Бу аслида бор ҳақиқат — Истиқлолнинг дастлабки йилларида мустабид тузумдан бизга мерос бўлиб қолган корхоналарнинг аксариятида шундай ачинарли ҳолат ҳукм сурган). Шу боис тайёрланган маҳсулот сифатсиз бўлади — бозор талабига жавоб бера олмайди. Унга харидор топиладими? Йўқ. Демак, маҳсулот деганини омборда тўпланиб қолади.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллуд куни муносабати билан Россияда чиқадиган энг оммавий нашрлардан бири — "Комсомольская правда" газетаси таҳририяти бош директори ва бош муҳаррири В.Сунгоркиндан табрикнома келди. Унда бундай дейилади:***




*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз! Истаймизки, Сизга хос шижоат ва некбинлик янги марраларни забт этишингизда доимо қувват бахш этаверсин, тажриба ва донишмандлигингиз янгидан-янги уфқлар сари чорлайверсин, омад эса ҳамиша марғуб ҳамроҳингиз бўлсин. Газетамизни ўқиб туришингизни, узоқ умр кўришингизни тилаб қоламиз!*

## *Жойлардан хабарлар*

### Навоий мероси — хазина



Сўз мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган тадбирлар жойларда давом этмоқда. Кеча Ўзбекистон Миллий университетида навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда академик Азиз Қаюмов ҳазрат Навоий ижодидаги илғор ғоялар, асарларининг дунё адабиётидаги ўрни ҳақида гапирди.

— Навоий мероси битмас–туганмас хазина,—деди олим. —Бугун улар дунёнинг Лондон, Париж, Истамбул каби шаҳарларида энг ноёб асарлар сифатида эъзозланмоқда.

**М. ЮСУПОВ.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида "Алишер Навоий — буюк мутафаккир ва халқпарвар шоир" мавзусида адабий–мусиқали учрашув бўлиб ўтди. Унда таниқли навоийшунос олимлар, санъаткорлар, ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан олимлар С.Ғаниева, Ю. Турсунов ва бошқалар Навоий ижоди ҳамда фаолияти ҳақида тўхталдилар, бобокалонимиз қолдирган бой маданий мерос бугунги кунда ҳам ёш авлодни, айниқса, ҳарбий хизматчиларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Кечада шоир ғазалига басталанган қўшиқлар янгради.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

«Халқ сўзи» назоратида

### Интизомий жазо қўлланилди



Газетамизнинг ўтган йил 11 декабрь сонида чоп этилган "Солиқчилар ўзбекчани билишмайдими?" сарлавҳали мақолада Миробод тумани солиқ инспекциясида иш қоғозлари давлат тилида юритилмаётгани танқид қилинганди. Мазкур мақола юзасидан республика Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадоев имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшовчи аҳолининг муайян қисми русийзабон миллат вакиллари бўлганлиги учун огоҳлантириш ва чақирув қоғозлари рус тилида юборилгани эслатилган. Бундан ташқари, мақола туман давлат солиқ инспекцияси жамоасида муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланган. ДСИ ва солиқ таянч пунктларидаги барча эълонлар, кўргазмалар ва матнлар давлат тилида ёзилмоқда. Хатога йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

## *Жаҳон 24 соат ичида*

### Консулхонага ҳужум

***Sky News агентлигининг полиция маълумотлари асосида тарқатган хабарларга қараганда, Швейцария пойтахти — Бернда жойлашган Испания консулхонаси биноси номаълум шахслар томонидан эгаллаб олинган. Хавфсизлик хизмати ходимлари бино жойлашган ҳудудни куршовда сақламоқда.***



***Дастлабки маълумотларга кўра, жиноятчилар камида бир кишини гаровда ушлаб туришибди. Шунингдек, босқинчиларнинг қандай даражада қуролланганлиги ҳам маълум эмас. CNN тарқатган хабарда эса Швейцария расмийлари 12 нафар киши хизмат қиладиган консулхонанинг қўлга олинганлигини тасдиқлаган, бироқ жароҳатланганлар тўғрисида маълумот берилмаган.***

### Самолёт излари топилди

***НАТОнинг тинчликпарвар кучлари ва Афғонистон қўшинлари биргаликда жума куни ҳалокатга учраган Boeing-737 лайнерини топиш бўйича операция бошлади, дейилади Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлиги берган маълумотларда. Расмийлар берган баёнотда айтилишича, тинчликпарвар кучлар воқеа жойига фалокатдан тўрт кун ўтгач етиб борган.***

***AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича эса аскарлар ҳалок бўлганлардан уч нафарининг жасадини топишга муваффақ бўлган, бироқ ҳозирча уларнинг шахси аниқланмаган. Денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда бўлган бу ҳудудга қутқарувчилар билан бирга альпинистлар, тиббиётчилар ва авиация мутахассислари етиб борган.***

### Ҳамид Карзай мурожаати

***Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай Жаҳон банкига мурожаат қилиб, гиёҳванд моддалар етиштиришга қарши курашда фермерларни молиявий қўллаб-қувватлашга чақирди. Карзай Жаҳон банки президенти Жеймс Фулфенсон билан телефон орқали суҳбатлашган.***

***Афғонистон Президенти халқаро ҳамжамият ёрдамида гиёҳванд моддалар етиштириш ва унинг савдосига қарши курашишга тайёр эканлигини билдирди. БМТ маълумотларига кўра, гиёҳванд моддаларни четга экспорт қилиш мамлакат иқтисодиётининг 60 фоизини ташкил қилади.***

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳол, ўз навбатида, айланма маблағнинг бўлмаслигига, ишнинг орқага кетишига, энг ёмони, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайишига олиб келади. Чунки бундай қарзлар охир-оқибатда корхонанинг банкротга учрашига сабаб бўлади. Самарасиз ишлайдиган корхоналар эса фақат ўзларини қарз гирдобига ғарқ қилмасдан, балки бошқа корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади.

Хўш, эски корхоналарни замонавий технологиялар билан янгилаш, техник жиҳатдан қайта қуроллаштириш нима берди?

Мисол учун, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини олиб кўрайлик. Корхонанинг «Маънавият ва маърифат» хонасидаги бир альбомни варақласангиз, унинг қирқ тўрт йиллик тарихидан воқиф бўласиз. Илгари фарғоналиклар уни оддийгина қилиб «қора ёғ заводи» деб аташарди. Чунки корхонанинг бутун ҳудудини қоп-қора қурум босиб ётар, бу ерда бирорта гиёҳ ўсишини ҳеч ким тасаввур қила олмас эди. Бугун-чи? 532 гектар майдоннинг салкам 80 фоизини яшил майсазорлар ва боғ-роғлар ташкил этади. Айниқса, ишчи-муҳандисларга яратилган шарт-шароитларга ҳамманинг ҳаваси келади.

Бу — тангачинг бир томони. Иккинчи томони шуки, илгари корхонада Россиядан ташиб келтирилган нефтдан бор-йўғи уч хил маҳсулот — бензин, керосин ва мазут тайёрланган бўлса, бугунги кунда ўзимизнинг Мингбулоқ, Кўкдумалоқ ва Шўртан каби конларимиздан қазиб олинаётган «қора олтин»дан 50 турдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар ўз эҳтиёжимизни таъминлабгина қолмасдан, ҳатто 10 дан ортиқ давлатларга ҳам экспорт қилинаяпти.

Фақат шугина эмас. Янги дизель ёнилғиси ишлаб чиқарувчи цехни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, суюлтирилган технологик газни олтингугуртдан тозалаш, инерт газини қайта ишлаш тармоқларини вужудга келтириш мақсадларига 178 миллион АҚШ доллари сарфланди. Натижада дизель ёнилғиси таркибидаги олтингугурт салмоғи 1,2 фоиздан 0,3 фоизга тушдики, бу ана шу маҳсулотнинг дунёдаги турдош корхоналарнинг маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олиш имконини берди.

1994 йилда Юртбошимизнинг Жанубий Кореяга расмий ташрифи чоғида «ДЭУ» корпорацияси раҳбари билан ҳамкорлик тўғрисида эришилган келишувнинг меваси — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси эса Асакадаги собиқ тележкалар ишлаб чиқарувчи заводнинг ҳувиллаб қолган корпуслари негизида барпо этилганини кўпчилик эслаcа керак.

У, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, жаҳон иқтисодий жараёнига қўшилишида залворли ва қутлуғ қадам бўлди.

Қувонарлиси, собиқ шўролар даврида ҳатто аҳолисининг миниб турган оти ҳам қароқчилардек тортиб олинган Ўзбекистонда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган турли русумдаги автомобилларнинг ишлаб чиқарилаётгани ҳар бир ватандошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Бундан ҳам муҳимроғи, бу йирик корхона жамоасининг мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, жаҳонда обрў-эътибор топгани бутун халқимизнинг тафаккури ва руҳиятини тубдан ўзгартириб, унинг ғурурини юксалтиришга, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент трактор заводи ва «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг тақдири ҳам фикримизга далил бўла олади. Хусусан, Тошкент трактор заводида Ўзбекистон-Хитой лойиҳаси амалга оширилгач, қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун ихчам тракторлар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Авиация заводида эса аввалари айрим самолётларгина таъмирланарди, эндиликда замонавий технологиялар асосида «ИЛ-114-100» русумли янги самолёт тайёрланмоқда. Канаданинг «Пратт-Уитни» ва АҚШнинг «Ҳамилтон-Сандерстренд» фирмалари маҳсулотлари — двигатель ва парраклари ўрнатилган, 64 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган мазкур ҳаво кемасига Давлатлараро авиация қўмитасининг сертификати берилди.

Шу билан бирга, ўтган йил мобайнида ҳукуматимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда қўшма корхоналар тузишга ҳам катта эътибор қаратди.

Қўшма корхона нима дегани? Бу — хорижий сармоядорлар томонидан маҳаллий шериклар билан ҳамкорликда таъсис этилган ва биргаликда унга раҳбарлик қилувчи фирма. Бошқача айтганда, ушбу фирмани ташкил этиш ва иш юритиш мақсадида ҳар икки томон ҳам тегишли миқдорда сармоя сарфлайди.

Хорижий сармоядорларнинг сармояси иштирокида ишга туширилган саноат корхоналари сирасига «Зарафшон-Ньюмонт», «СамКочавто», «ЎзКейсмаш», «Косонсой-Текмен», «Хива-Карпет», «Хоразм-Нуртоп», «Оқсарой тўқимачи», «Наманган Nestle» каби қўшма корхоналар, шунингдек, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси сингари йирик объектларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бири бугун иқтисодиётимизда ўз ўрни ва мавқеига эга. Улар, таъбир жоиз бўлса, тараққиётимизнинг ҳақиқий локомотивларидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай корхоналар ҳозирда ҳар бир вилоят, ҳар шаҳар ва туманда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг шарофати туфайли ҳудудлар тизими ва қиёфаси тубдан ўзгараяпти, корхоналарнинг кучли рақобат шароитида ишлашига эришилмоқда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз эса жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаётир.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётни модернизация ва ислоҳ қилишдек икки тушунчанинг мазмун-моҳияти нималардан иборат эканлиги-ю, бу борада амалга оширилган барча ишларнинг пировард натижаси, ўзбекча айтганда, ҳақиқий ялакат мағзини англатмайдими?

Шу йил 28 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бош мақсад этиб белгиланди.

— **Асосий устувор вазифа аввалгидек — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат,** — деб уқтирди давлатимиз раҳбари. — **Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда.**

Бу қоида ва хулосаларнинг ижросини таъминлаш натижасида давлатимиз қудрати тағин-да ортади, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртни обод қилиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан ютуқларга эришилади. Бунга тўла асос борлигини ва имкониятларимиз етарли эканлигини халқимиз кўриб-билиб турибди. Шунинг учун бугун ҳар бир киши ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаяпти, эртанги кунга ишонч ила боққан ҳолда, ўз иш жойида ташаббус кўрсатиб, азму шижоат ила меҳнат қилишга интилмоқда.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**



*Қиш оёқлаб кўклам нафаси сезилган сари қорақалпоғистонлик деҳқонлар баҳорги дала юмушларини бошлаб юбордилар. Ариқ-зовурларни тозалаш, суғориш тармоқларини яхшилаш кун тартибидаги долзарб масалага айланди. Ҳозирда илғор машинист Камолиддин Ибрагимов ўзи бошқараётган экскаватори билан Тўрткўл ва Беруний туманларида кунига 8-10 минг кубометр зовурларни тозалашга эришаётир.*

**СУРАТДА:** моҳир машинист Камолиддин Ибрагимов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

## Менинг маҳаллам

# Ўзини-ўзи бошқариш сабоқлари

*«Одамларимиз ўз қаддиларини тиклаб олишмоқда», — дейди Шўрчи туманидаги «Шакаркўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бойбўри Қодиров*

Бойбўри билан мен аввал ҳам гурунглашганман. Гурунг бошида у «Маҳалламиз чекка ҳудудда. Кўчаларимиз қишда лой. Ёз фаслида чанг. Кўприкларимиз нобопроқ», дегандай бўлувди.

Шуни эслаб гап бошида ундан:

— Маҳалла қандай, ободми? — деб сўрайман.

— Обод, — дейди у бу гал ғурурланган оҳангда.

— Ким обод қилаяпти?

— Ўзимиз!

— Қандай қилиб?

— Бу — оддий иш, — дейди Бойбўри ўрнидан туриб ва қўллари билан ёзув столига суяниб.

— Ҳозир, ана, Бахтиёр «Камаз»чининг уйидан қайтдим. Маҳалламиз кўчаларининг нотекис жойларига шағал ташиб бераяпти. Бошқаларга шағалнинг ҳар бир рейсини 10 минг сўмдан ташиса, бизга 7 минг сўмдан ташийди. «Уч минг сўмдан ўтганим — ҳашарларингга қўшган ҳиссам. Савоби тегар», — деди. Шу йилнинг ўзида йигирма машина шағал таширттирдим. Кира ҳақи пулинимиз? Одамлар ўзлари тўлашади.

Бойбўрининг айтишича, маҳалланинг одамлари аввалари бепарво бўлишган. Ариқни қазиш керак бўлса, буни колхоз қилсин, дейишган. Қўшнисининг моли ўғирланган бўлса, ўғрини ушлаш милициянинг вазифаси деб ўйлашган. Мактабни таъмирлашга, кўприк қуришга бош қўшишни-ку хаёлларига келтиришмаган.

Бугун-чи, Хайрабод ариғи устидан ўтган кўприкнинг харобалигини кўриб Юнус Раззоқов деганнинг орияти чидамади. Э, кетса, озроқ пул кетар, шу кўприкни қайтадан ўзим қураман, деб фермер хўжалигидан маблағ ажратди. Бошқалар ҳам қараб ўтирмади. Шу ўз-ўзидан ҳашарга айланиб кетди. Иш тез ва соз битди.

Бундан уч-тўрт йил илгариги яна бир гап. Шакаркўлга ўғри оралади. Унинг шум қадамидан хотиржамлик бузилди. Шу орада денг, яна бировнинг сув идишини, флягасини ўмариб кетишгани дард устига чипқон бўлди. Ўзини, мен Шакаркўлнинг изқувари деб атайдиган маҳалла посбони Абромат деган йигитни-ку қўяверинг. Тўртта-бешта дўстини ёнига олиб, кўнглига ғудурлик берадиганларни кузатишди.

Ниҳоят... топдилар. Тегишли идоралар уларни тегишли жазога тортдилар.

— Ўғрилар бошқа овуллардан экан-у, уларнинг ичига ўзимиздан ҳам биттаси аралашиб қолган экан. Жазони ўтаб қайтганидан сўнг ҳалигини маҳалламизга йўлатмаймиз деган гаплар бўлди. Биз айтдикки, йўқ. Ўша сухта тирноқ ўзимизнинг этимиздан ўсиб чиққан. Ўзимизники. Тарбиялаймиз. Йўлга соламиз, дедик. Йўлга солдик ҳам. Энди...

— Энди айтаверсак, бизнинг маҳалламизда ароқ сотилмайди. Тўйларимизга ароқ тортилмайди. Ароққа кетадиган пул кураш, волейбол, футбол деган ўйинларга ажратилади, — деб раиснинг гапини бўлди маҳалланинг оқсоқолларидан бири 75 ёшли Ўрол Маматқулов исмли одам.

Дарвоқе, Шакаркўлнинг йигитлари қарсиллатиб волейбол ўйнашганда олдинига бошқа маҳаллалардаги тенгдошлари томошага келишувди. Кейин-кейин ўзлари ҳам команда тузиб, мусобақалашгани келишди.

— Сенлар билан бир куч синаб кўришайлик деб бизга ҳатто, Олтинсой, Денов туманларидан ҳам келишади, — дейди Абдурасул волейбол деб ном қозонган 30 ёшар йигит Абдурасул Маматқулов. — Биз анави, 32-мактабнинг очиқ спорт майдонида машқ қиламиз. Ўйнаймиз. Ҳаво совуқ кунлари зерикиб қоламиз. Агар биттагина ёпиқ спорт зали бўлсайди...

— Ишқилиб, шу спорт ўйинлари чиқди-ю, йигитларимизнинг пана-панада гап-гаштак қилиб ароқ ичишлари, тамаки чекишлари тўхтади, — дейди Ўрол бобо. — Ҳамма ишлайди. Бўш вақт топса, ҳашар қилишади: ариқ қазишади, йўл текислашади. Кўчат қадашади. Бирон ярим имкони йўқнинг ишларига қўл солишади. Бу — аҳиллик. Бу — бир-бирини суяш. Бу — юртнинг ободлиги. Униб-ўсаман деган эл мана шундай бўлади, айнажоним.

— Лекин ҳали қилиб улгурмаган ишларимиз ҳам кўп, — дейди Бойбўри раис. — Медпункт деган жойимиз, ана кўринг, майдагина. Бир ариқ нарида — Денов туман ҳудудида газ бор. Бизда — йўқ. Томорқада чумолидай бўлиб ишлаймиз. Ишлаймизу карамни, пиёзни, картошкани кимга, қайси бозорга обориб сотишни билмаймиз. Улгуржи бозор йўқ-да.

Бойбўри раис айтадики, Шакаркўл томонлардаям ерга фермерлар эгалик қилишибди. Дасти келиб, қадамини катта-катта ташлаётганлар кўпайиб бораётганмиш. Одамлар, хуллас, оқни оққа, қорани қорага ажратиб, эртанги кунларининг бугундан ҳам яхшироқ бўлишига интилаётганмиш. Кунба кун қадди бастиларини тиклаб олишаётганмиш.

Қишлоқдан қайтаётганимизда маҳалла етакчиси гурунгига яна бир гапни илова қилди: яқинда Полвонов Абдулазизхон деган тўй берибди. Тўйида катта олиш (кураш) ўтказибди. 2048 одам яшайдиган Шакаркўлдан Бахтиёр Бойкелдиев, Камол Даминов, Ҳусниддин Қодировга (Ҳусниддин менинг ўғлим, — дейди Бойбўри раис ғурурлангандай бўлиб) ўхшаган юзта полвон давра айланибди.

Одатда, Шакаркўлда «Наврўз» уч кун байрам қилинади. Шакаркўлда ўндан зиёд шеър ёзадиган йигит-қиз бор. Ҳар Мустақиллик байрамида улар мушоира дастури бўйича катта мусобақаларда қатнашишади. Гапиртириб боқсангиз, улар «Мен — Шакаркўлданман, Шакаркўл бўлса каттакон Ўзбекистонники», деб сухан қиладилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабарлар оқимидан

### Коллежда малака ошириш маркази

Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик фан, ветеринария ҳамда зоотехника лабораторияларини жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

«Коллеж ўқитувчиларининг малакасини оширишни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасидаги бу ишлар Япониянинг «Ogowa Seikic - LTD» компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириляпти. Ҳозиргача хорижий компания лабораториялар учун жиҳозлар ва «Nissan» русумли кичик автобусни етказиб берди. Келажакда бу ерда коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш маркази ташкил этилиб, у нафақат Қашқадарё вилояти, балки қўшни Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари коллеж ўқитувчилари учун ҳам тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сўз ва тасвир қудрати

Ўзбекистон Электрон Оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясида (ЭОАВМА) «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ этишда нодавлат электрон ОАВнинг роли» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдилар.

Тадбирда нодавлат электрон ОАВлари ижодий ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, радиоэшиттиришларнинг бадиий савиясини яхшилаш, бошловчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**М. ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Жўмракдан «чўнтак»ка

***Супермаркетга йўл олган харидор пештахтага ажабтовур ёрлиқлар ёпиштириб қўйилган салқин ва минерал ичимликларни кўриб кўзи яшнайди. Бироқ, уларнинг нархига қараб, "тавба" деганини ўзи ҳам билмай қолади. Чунки бир литрлик идишдаги минерал сув 300-500 сўм атрофида сотилмоқда. Қизиқ, бир литр сут 200 сўм бўлган пайтда, сувнинг бу қадар қиммат бўлишини қандай изоҳлаш мумкин?***

## Журналист суриштируви

"Арктика"! Тоза ва ҳақиқий булоқ сувини ҳис этинг!" ёки "Шифобахш ва табиий маъданларга бой "Nestle"..." каби реклама роликларини ҳар куни телевизордан кўраверіб, ёд бўлиб кетади. Бу каби маҳсулотларнинг сифатига эътироз билдирилмаса-да, уларнинг сигир сутидан ҳам қимматлигига кўпчилик ажабланиши табиий.

Айни қиш фасли бўлишига қарамасдан шу каби маҳсулотларнинг нархини эмас, сифатини ҳамда ишлаб чиқариш саноатидаги аҳволни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Аввало, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси билан боғландик. "Ўздавстандарт" агентлиги мутасаддилари билан учрашдик. Уларнинг таъкидлашларича, салқин ва минерал ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида бугун кучли рақобат муҳити шаклланган. Кўплаб маҳаллий ва қўшма корхоналар ишлаб турибди.

Тошкент шаҳар Синов ва сертификатлаштириш маркази директори Зиёвуддин Обидовнинг айтишича, биргина пойтахтимизда ўтган бир йил давомида шу каби маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 60 га яқин фирма ва корхоналар рўйхатдан ўтган. Бундан ташқари, вилоятларда ҳам саноатнинг бу тури кенг ривожланмоқда.

— Бундай шароитда ҳар бир тадбиркор бозорга чиқараётган маҳсулотининг сифатига катта эътибор беради, — дейди З.Обидов. —Харидорсиз тадбиркорнинг иши касодга учрайди. Бир нарсани тан олиб айтиш керак, ноқонуний "ишбилармонлар" ҳам йўқ эмас. Ҳозир қиш фасли. Бу даврда салқин ичимликларнинг харидори нисбатан кам бўлади. Аммо ёз ойлари бошланиши билан сохта тадбиркорлар ҳам анча жонланиб қолишади. Бакалашкаларга оддий кран сувини қадоқлаб, устига "газланмаган" сўзини ёзиб, бозорга чиқараверади.

2004 йил давомида марказ томонидан ўтказилган текширувларда олти хил маҳсулот истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Турли бозорларда сотилаётган "Пепси", "Фанта", "Кока-кола" ва "Сандей" маҳсулотларининг сифати талабларга умуман жавоб бермаслиги маълум бўлди.

— Тўғри, бу номда сотувга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам сифатсиз деб бўлмайди, — дейди Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров. — Маълум бир партиялари истеъмолга яроқсиз бўлган бўлиши мумкин. Шу каби камчиликларга йўл қўйган корхоналарга зарурий жазо чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш Тошкент шаҳар комиссиясининг режасига асосан "Шифобахш булоқ" очиқ акционерлик жамиятида шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан текширув ўтказилди. Текширув жараёнида корхона томонидан 2004 йилнинг 23 апрелидан 20 июлига қадар "Тошкент" ошхона маъданли суви 0,5 литрли шиша идишларда мувофиқлик сертификатисиз ишлаб чиқарилиб, ҳатто сотувда эканлиги маълум бўлди. Бу маҳсулот жами 1 миллион 880 минг 351 дона, яъни 39 миллион 786 минг 323 сўмлик миқдорда ишлаб чиқарилган. Бошқарма томонидан ушбу корхонага сотилган маҳсулотнинг 100 фоизи миқдорида жарима солинди. Шунингдек, корхонада 69 та ўлчов воситасидан 52 та(75,3 фоиз)сининг муддати ўтганлиги аниқланди ва улардан фойдаланиш тақиқланди.

Ёки, республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази берган маълумотга кўра, ўтган бир йил давомида 33709,9 литр минерал ва салқин ичимликлар сифатсизлиги учун сотувдан олиб қолинган.

Қоидага кўра, "Ўздавстандарт" агентлиги томонидан ишлаб чиқарувчига қонуний фаолият юритиши учун сертификат берилади. Тадбиркор ҳам ўз корхонасида имкон қадар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу — маҳсулотнинг харидор қўлига етиб боргунигача бўлган жараён. Кўплаб қўшма корхоналар савдо муассасалари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, харидорларга ўз маҳсулотларининг сифатли етиб боришини таъминлайдилар. Хусусан, рақобат майдонида мустаҳкам ўрин тутувчи "Кока-кола" компанияси транспорт харажатларини ўз зиммасига олган.

Тошкент шаҳрида салқин ва минерал ичимликлар ишлаб чиқаришга рухсатнома олган корхоналар маҳсулот белгиланган манзилга сифатли етиб боришига эътибор қаратишяптими? Улар савдо муассасаси билан шартнома тузишаётганда, хусусий тадбиркорларнинг маҳсулотни лозим даражада сақлаш имкониятига эга ёки эга эмаслигини ҳисобга олишаяптими? Албатта, йўқ.

Табиийки, ёз ойларида Тошкентда ишлаб чиқарилган салқин ичимликлар республикамизнинг чекка қишлоқларига етиб бориши учун неча-неча қўлдан ўтади. Бунинг учун ойлаб вақт кетади. Қолаверса, минерал ичимликлар ёз ойларида 40-45 даражали иссиқда ойлаб қолиб кетади. Ваҳоланки, уларнинг ёрлиқларида кўрсатилишича, 15-20 даражагача бўлган ҳароратда сақланиши лозим. Зеро, салқин ичимликлар меъёрий талаблар асосида сақланишига ҳеч ким кафолат бермайди. Унинг муддати ўтгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Сотувчи ўз маҳсулотини пулласа бўлди.

Айрим ҳолларда кўрамизки, баъзи минерал сувлар оддий кран сувидан фарқ қилмайди. Улар яхшилаб газланиб, бир неча баробар қиммат нархда сотилмоқда.

Шу ўринда бу каби савдо муассасаларини ким назорат қилади, деган савол туғилади. Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида "Қатортол савдо маркази"да бўлдик. Савдо маркази директори ўринбосари Абдувосит Бобомуҳаммедов ҳамроҳлигида минерал ва салқин ичимликлар билан улгуржи савдо қиладиган дўконларни айландик. Ўзини Шерзод деб таништирган сотувчи дўконда неча хил маҳсулот мавжудлигини ҳам айтиб беролмади. Маҳсулотларга оид ҳужжатлар дўкон хўжайинида эканини айтди. Иккинчи дўкон сотувчиси ҳам ҳеч бир ҳужжат кўрсатолмади.

Чилонзор тумани бош санитар врачи Жалолиддин Назаровнинг айтишича, туман бўйича уч мингдан ортиқ савдо нуқталари бор.

— Улар сотаётган озиқ-овқат маҳсулотларини тўлиқ назорат қилиб бўлмайди, — дея тан олди Жалолиддин Назаров. — Бор-йўғи туман бўйича бешта ходим озиқ-овқатлар сифатини назорат қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, Мувофиқлик комиссияси томонидан январь ойи учун 12 та объектни текширишга рухсатнома берилган. Бир вақтнинг ўзида уч мингта объектда текшириш ўтказишнинг эса имконияти йўқ.

Ўзбекистон иссиқ иқлимли ўлка бўлганлиги боис, сув жуда катта фойда келтирадиган бизнес тури саналади. Ушбу соҳанинг тез ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Бироқ, бизнингча, шифобахш ва минерал сувлардан олинаётган фойда аҳоли саломатлигига путур етказиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Бунинг масъулияти эса «роҳатбахш» ичимликларни ишлаб чиқараётган ва сотаётган тадбиркор акаларимиз зиммасидадир.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкоримиз

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида республикамиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Маърузада, жумладан, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласига алоҳида урғу берилган. Айтиш керакки, Европанинг Ўзбекистон ҳақидаги нуқтаи назари ҳам биз учун муҳим аҳамиятга эгадир.***

***Шуни инобатга олиб, яқинда ЕИнинг расмий интернет саҳифасида эълон қилинган мамлакатимиз ҳақидаги таҳлилий ҳисоботни қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

**Сиёсий вазият.** Марказий Осиёда энг кўп аҳолига эга бўлган Ўзбекистон 1991 йил 31 августда мустақилликка эришди. Давлат Конституцияси 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, анча либерал ва демократик талабларга жавоб беради. Ўзбекистон давлат бошқарувига кўра президентлик республикаси ҳисобланади. Бу ерда демократиянинг анъанавий институтлари (масалан, Омбудсман, кўппартиявийлик тизими кабилар) шакллантирилган, бир неча нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Ислом динидан манфур мақсадларда фойдаланаётган радикал гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва наркотраффик сўнгги йилларда Ўзбекистон дуч келган йирик муаммолардандир. Шунингдек, Фарғона водийси (Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич ҳудуд)да ўзларини Ўзбекистон Ислом ҳаракати(ЎИҲ), Туркистон Ислом ҳаракати деб номлаган турли гуруҳларнинг юзага келиши, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон билан чегара, сув ва бошқа айрим масалалардаги тушунмовчиликлар ҳам мамлакат учун қийинчилик туғдирмоқда. Бироқ шунга қарамай, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги уюшган террорчиликка қарши энг қатъий кураш олиб бораётган давлатдир. Қайд этиш керакки, ЎИҲ 2002 йил бошида Афғонистонда Толибон режимининг қулаши ва ташкилот етакчиси Намангонийнинг ҳалок бўлиши билан ўзининг асосий таъминотчиларидан маҳрум бўлди.

**Ташқи сиёсат.** Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ташқи сиёсати ва позицияси жуда мураккаб вазиятда — икки қўшни мамлакатлар (Тожикистон ва Афғонистон)да қонли фуқаролар уруши давом этаётган бир пайтда шаклланди. Ўзбекистон дастлабки йилларданоқ Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим давлат эканлигини исботлаб қўйди ва Россияда Ельцин ҳукмронлик қилган даврда асосан, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш сиёсатини олиб борди. Айни пайтда, президент Каримов кўп ҳолларда Ғарб мамлакатлари, хусусан, Европа давлатлари билан яқин алоқалар ўрнатишнинг уддасидан чиқа олди. Россияда Путин ҳокимият тепасига келгач эса, ушбу кучли давлат билан ҳам ислом ақидапарастлиги ва айирмачиликка қарши кураш сингари жиддий масалаларда Ўзбекистоннинг позицияси ўзаро мос келди ва улар орасида дўстона муносабатлар бошланди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ раҳбарияти ҳам Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатди. Президент Ислом Каримов 2001 йил 11 сентябрда юз берган фожиалардан сўнг, сиёсий тил билан айтганда, “соф дипломатия” юритди ва халқаро террорчиликка қарши курашувчи иттифоқчиларга хайрихоҳлик позициясини намойиш қилиб, Американинг инсонпарварлик миссиялари учун ҳарбий ҳаво базасидан фойдаланишга рухсат берди. Террорчиликка қарши кураш борасидаги бундай қатъий сиёсат Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасидаги обрўсини ошириб юборди ва энди, Европа ҳам ушбу давлат билан кучли, ҳар томонлама алоқа ўрнатишга киришди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Туркия ҳам ўз ўрнига эга. Жумладан, расмий Тошкент Туркиянинг ЕИга қўшилишини қувватлаб, у билан терроризм, наркотик моддалар савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилмоқчи.

Минтақанинг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик кўплаб омилларга боғлиқ. Сув ресурслари борасидаги масала келажакда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда энг баҳсли мавзуга айланиши мумкин.

**Иқтисодий вазият.** Ўзбекистон кўмир, мис, олтин, табиий газ, нефть, кумуш ва уран каби табиий ресурсларга бой давлат бўлиб, юқори таълим даражасига эга бўлган аҳоли ва малакали ишчи кучи унинг кучли иқтисодий салоҳиятидан далолатдир.

1991 йил мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон ҳам бошқа Ҳамдўстлик давлатлари сингари жуда катта молиявий қийинчиликлар, хусусан, бозорлардаги инқироз, ўзаро тўловлардаги узилишлар, гиперинфляция каби муаммоларни бошидан кечирди. Уларни ҳал қилиш йўлида мамлакат ҳукумати макроиқтисодий мувозанатга эришиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун босқичма-босқич ислоҳотларни амалга оширишга киришди.

Ўтиш давридаги бундай эҳтиёткорлик, энергия ва озиқ-овқатнинг бошланғич базасини ушлаб туриш сиёсати ҳамда халқаро бозорга чиқарилаётган асосий экспорт маҳсулотлари (пахта ва олтин)нинг турини кўпайтиришга кенг қамровли уринишларда эришилган муваффақият Ўзбекистонга 1990 йилларнинг бошида кўплаб МДҲ мамлакатларида кузатилган иқтисодий инқироз, халқ турмуш шароитининг кескин пасайиши каби ҳолларни четлаб ўтиш имконини берди. Ушбу дастлабки ютуқларга асосланган босқичма-босқич ислоҳотлар стратегияси муҳим макроиқтисодий ва тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга замин яратди. Осиё ва Россиядаги молиявий инқироз, 1998 йил пахта ҳосилининг кутилганидек бўлмагани ва жаҳон бозоридаги асосий маҳсулотлар нархининг пасайиб кетиши Ўзбекистоннинг 1999 йилги иқтисодий кўрсаткичларида акс этган бўлса-да, мамлакат бу ҳолатдан беталофат чиқди. 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистоннинг Халқаро Валюта Жамғармаси VIII моддасига қўшилиши ва сўмнинг тўлиқ конвертациясига ўтиши халқаро ҳамжамият, жумладан, ЕИ давлатлари томонидан яхши кутиб олинди. Бу узоқни кўзлаб қўйилган қадам хорижий инвесторлар ва катта бизнес вакилларининг ушбу мамлакатга нисбатан қизиқишини ошириб юборди.

*Мамлакат иқтисодиётининг тузилиши:* Ўзбекистон иқтисодиётида ўзаро уйғунликда ривожланиб бораётган бир неча соҳалар унинг иқтисодий тизимини мустаҳкамлаб бормоқда. Мамлакат бир қанча моддий бойликлар (пахта, газ, нефть, олтин) экспорт қилиш бўйича жаҳонда етакчиликни сақлаб келмоқда. Хомашёни қайта ишлаш саноати ривожланиш босқичида. Ноқулай ҳудудий шароитга қарамасдан (ҳудуднинг 60 фоизини чўл, адирлар ташкил қилиб, унинг 10 фоизи ўзлаштирилган), қишлоқ хўжалиги ялпи миллий маҳсулот (*мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами товарлар ва хизматларнинг умумий миқдори —* тарж.)нинг 25 фоизини беради ва меҳнатга ярокли аҳолининг 40 фоизини иш билан таъминлайди. Бироқ, асосий товарлар экспортига боғланганлик ушбу давлат иқтисодиётини жаҳон бозоридаги нархларга қараб иш тутишга мажбур қилмоқда.

*Савдо:* Асосий товарлар ва пахта толаси Ўзбекистон экспортининг 75 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон дунёдаги иккинчи йирик пахта экспорт қилувчи давлат бўлиб, 1999 йилдан буён жаҳонда етиштирилаётган жами пахта хомашёсининг 6 фоизини ишлаб чиқармоқда. Кейинги йилларда ўзбек пахтаси АҚШ ва Хитой экспорт қилаётган пахта учун жиддий рақибга айланди.

*Иқтисодий ўсиш:* Маълумотларга кўра, ҳақиқий ЯММда 1996 йилдан буён муттасил ўсиш кузатилмоқда. Масалан, ҳақиқий ЯММдаги ўсиш 1997 йилда 5,2 фоиз, 1998 йилда 4,4 фоиз, 1999 йилда 4,4 фоиз ва 2000 йилда 4 фоиз бўлган. Худди шундай аҳоли даромадлари кўрсаткичида ҳам муттасил ўсиш кузатилмоқда.

*Экологик муаммолар:* Ўзбекистон бир неча экологик муаммоларга дуч келмоқда, улар орасида энг асосийси мамлакат шимоли-шарқида жойлашган Орол денгизидаги экологик инқироз муаммосидир. Ўзбекистонга қўшни мамлакатларда сўнгги йилларда сувдан фойдаланишдаги масъулиятсизлик натижасида бу муаммо янада кучайиб, минтақани сув билан таъминловчи асосий дарёлар (Амударё ва Сирдарё) қуриётган денгизга етиб бормаяпти. Бу ҳолат мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаоллиги ва саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Европа Иттифоқи — Ўзбекистон муносабатлари**

Европа Иттифоқи учун Ўзбекистон минтақадаги энг муҳим ҳамкордир. Мазкур давлат иқтисодий ва маданий нуқтаи назардан олиб қараганда Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланади. Геосиёсий жиҳатдан Россия, Хитой ва Ислом оламининг ўртасида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада ошириб юборади. Европа Иттифоқи билан илк алоқалар собиқ Совет Иттифоқи даврида — 1989 йилда ўрнатилган. Аммо дастлаб савдо-иқтисодий муносабатлар деярли ривожланмаган. 1999 йил 1 июлда Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида битим кучга киргач, икки томонлама алоқалар юксак даражага кўтарилиб, ўша йил 13 сентябрда Ҳамкорлик кенгаши ўзининг биринчи саммитини ўтказди. Бу воқеа Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги дипломатик муносабатларда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур битим сиёсий муносабатларни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг мамлакатда демократик тузумни шакллантириш ва иқтисодий тараққиётга эришиш йўлидаги ҳаракатларига ёрдам бериш, савдо ва инвестицияни ривожлантириш ҳамда қонунчилик, иқтисодий, ижтимоий, молиявий йўналишлар, халқ таълими, технологиялар ва маданият соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

*Савдо:* Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги иккинчи йирик шеригидир. Ўзбекистон ЕИга қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда кийим-кечаклар экспорт қилиб, ундан машинасозлик, транспорт воситалари ва кимёвий моддалар олади. Савдо баланси 1996-1999 йилларда ЕИ фойдасига якунланиб, 104 миллион еврога етган. 2000 йилда Ўзбекистон экспорт-импорт кўрсаткичини ЕИга деярли тенглаштиришга эришган. 2002 йилда эса икки томонлама савдо кўрсаткичи 801 миллион еврога етиб, ЕИ учун 115 миллион евро камомад билан якунланган.

1992 йилдан буён Ўзбекистонда ЕИнинг TACIS дастури фаолият олиб бормоқда. Келажакдаги алоқалар ўзаро имзоланган Шерикчилик ва Ҳамкорлик Битими доирасида ривожланиб боради.

**www. europa.eu.int сайтидан олинди.**
**Инглиз тилидан Ботиржон ҒОФУРОВ таржимаси.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Қарзлардан воз кечиладими?

***Катта еттилик давлатлари молия вазирлари Африкадаги бир қатор қашшоқ мамлакатларнинг қарзларидан буткул воз кечиш бўйича янги лойиҳани муҳокама қилдилар. Бироқ АҚШ бу таклифни ҳозирча қўллаб-қувватламаяпти.***

***Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди мутахассисларининг таъкидлашича, қарзлардан воз кечилса 37 та мамлакатда аҳвол бироз яхшиланиши мумкин.***

### Иккинчи муддатга ҳам сайланди

***Таиландда бўлиб ўтган сайловда мамлакатнинг амалдаги Бош вазири Таксин Шинаватра иккинчи муддатга ҳам лавозимида қолди. У «Тайванликлар тайванликларни севишади» номли партияга раҳбарлик қилади. Тахмин қилинишича, мазкур партия парламентдаги 500 ўриндан 399 тасини эгаллаган.***

### Муҳожирлар ушланди



***Испания полицияси Канар ороллари орқали мамлакатга ноқонуний киришга уринган 227 нафар африкалик муҳожирни қўлга олди. Улар бир неча ҳафта мобайнида кема мотори ишдан чиқиши оқибатида очиқ океанда қолиб кетишган.***

***Айни пайтда полиция ходимлари муҳожирларни Испанияга ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчи икки шахсни қидирмоқда. Улар двигатель бузилгач, кемани тарк этишган.***

### Маҳбуслар озодликда

***Америка ҳукумати Бағдод яқинидаги Абу-Грейб қамоқхонасидан 350 нафар маҳбусни озодликка чиқарди. Ироқ муваққат ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вазирлиги вакилининг айтишича, йил охирига қадар яна 800 нафар маҳбус озод этилади.***

***Айни пайтда Абу-Грейбда 8 минг нафар маҳбус бор. Улардан минг нафарга яқинига расмий айблов эълон қилинди.***

### Цунами хавфи



***Малайзиянинг Сабах штатидаги қирғоқ бўйида истиқомат қилувчи аҳоли ўз уй-жойларини тарк этишаяпти. Якшанба куни ҳукумат цунами хавфидан аҳолини огоҳлантирганди. Бироқ ҳозирча цунами бўлгани йўқ.***

***Айни пайтда Миданао оролида Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллик зилзила қайд этилган. Мамлакат бош вазири девонхонасидан олинган хабарда таъкидланишича, Малайзия тарихида биринчи бор аҳоли цунами хавфидан огоҳлантирилди.***

### Кашандаликка қарши кураш



***Куба тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилишда дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Савдо вазирлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, ҳукумат мамлакат ҳудудида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чегаралаш тўғрисида қарор қабул қилди.***

***Ушбу қарорга мувофиқ эндиликда театрларда, кино залларида, ресторан ва кафеларда, шунингдек, жамоат транспортларида чекиш қатъиян тақиқланади. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларида ҳам тақиқ эълон қилинади. Статистика маълумотларига қараганда, ҳозирда ҳар ўн кубаликдан 4 нафари кашанда. Ҳар йили мамлакат тамаки маҳсулотларини четга экспорт қилиш орқали 200 миллион доллар фойда кўрмоқда.***

### Бош вазир дафн этилди

***Грузия бош вазири Зураб Жвания якшанба куни ҳарбий мотам русумлари билан дафн этилди. Жванияни юксак эҳтиром билан сўнгги манзилга кузатиш маросимида мамлакат президенти М.Саакашвили, марҳумнинг оила аъзолари, сиёсий маслакдошлари ҳамда бошқа юқори даражали шахслар иштирок этишди.***

***Айни пайтда Тбилиси аэропорти кучайтирилган тартибда фаолият кўрсатмоқда. Пойтахтнинг ўзида эса қўшимча хавфсизлик чоралари кўрилган.***

### Фаластинликлар таъқиб қилинмайди

***Исроил томони террорчиликда айбланаётган фаластинлик фуқароларни қидиришни вақтинчалик тўхтатишини маълум қилди. Бу ҳақда икки ҳукумат мудофаа вазирлари учрашувидан сўнг Шауль Мофаз маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос билан келишилган ҳолда Исроил қамоқхоналаридаги 6 нафар фаластинликдан иккитаси озодликка чиқарилади.***

***Жаҳон матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Экологик хавфсизлик — муҳим вазифа

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Марказий Осиё трансчегаравий муаммоларни бартараф этиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган экологик нодавлат нотижорат ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссиянинг илмий-тадқиқот маркази вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган турли экологик муаммолар, жумладан сувнинг ифлосланиши, тобора кўпайиб бораётган саноат чиқиндиларининг инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит мусаффолигига етказаётган салбий таъсири, чўлланиш муаммоси экологик хавфсизликни таъминлашда ҳамжиҳатликни тақозо этаётир.

Шундай экологик муаммолардан бири — қўшни Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводи фаолияти билан боғлиқ. Мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш чиқиндилари унга туташ Сурхондарё вилояти чегара туманларида экологик тангликни келтириб чиқараётгани мутахассислар томонидан олиб борилган дастлабки таҳлиллардаёқ кўзга ташланганди.

Ўзбекистон тарафининг мазкур ҳудудда тобора кескин тус олаётган экологик вазиятни барқарорлаштиришни сўраб, қўйган талабига кўра Тожикистон алюминий заводи маъмурияти бу борада бир қанча тадбирларни амалга оширди. Шунга қарамай, мазкур ҳудудда мавжуд экологик муаммолар ҳамон ўзининг тўла ечимини топгани йўқ. Аҳоли орасида бўқоқ, камқонлик, суяк, тиш ва милк хасталиклари камаймаётгани, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инқирозга юз тутаётгани кузатилаётир.

Ана шундай бир вазиятда Тожикистон алюминий заводи фаолиятини янада кенгайтириш ва йилига 200 минг тонна алюминий ишлаб чиқарувчи янги корхона барпо этиш борасида Тожикистон ва Россия ўртасидаги келишув мамлакатимиз жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда.

Анжуманда қўшни республикада қурилиши мўлжалланаётган янги корхона ва иншоотларнинг атроф-муҳити ва инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсири ва оқибатларининг олдини олишда жамоат экологик экспертизасини йўлга қўйиш айниқса муҳим экани таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари, ишбилармон доиралар вакиллари, жамоатчиликка қарата мурожаат қабул қилдилар. Унда алюминий саноатининг минтақада вужудга келтириши мумкин бўлган салбий оқибатлари, инсон ҳаёти, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таҳдидининг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва бошқа масалалар қамраб олинган.

**Баҳор ХИДИРОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
протез-ортопедия маҳсулотлари хариди бўйича протез корхоналарини
ТЕНДЕР ТАНЛОВИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган протез корхоналари:
- таклиф қилинаётган протез маҳсулотларининг сифат-мувофиқлик сертификати;
- маҳсулотларнинг гигиеник сертификати;
- корхонанинг протез-ортопедия маҳсулоти ишлаб чиқариш фаолиятига рухсатнома;
- ишлаб чиқариш қуввати ва корхона моддий-техника базаси ҳақида маълумот;
- протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари;
- маҳсулот турлари ва нархи;
- таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг лаборатория ва клиник текшируви хулосалари тўғрисидаги маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб, икки ҳафта муддат ичида вазирликнинг танлов комиссиясига тақдим этишлари лозим.

Протез корхоналари талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади.

Қўшимча маълумотлар учун вазирликка 139-48-70, 139-88-45 телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Яккасарой тумани, А.Авлоний к., 20-А уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

“O`zkabel” ОАЖ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР САРДОРИ. КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА 60 ЙИЛДАН ОРТИҚ ДАВР ИЧИДА ИШЛАБ КЕЛМОҚДА

Биз сизларни ҳамкорликка чорлаб, ўзаро манфаатли асосда юқори малакали мутахассислар билими ва тажрибаси, корхонанинг салоҳиятидан фойдаланишингизга имкон яратамиз.

КОРХОНАМИЗ КЕНГ КЎЛАМДА:

КМО, КПБП, КГ, КГЭ, ТПП, ТПВ, ТППэп, ПГФ, ПГФМ, ПГФС, ЗКПм, КСПП, СБПУ, РК-75, КВТ, АКВВГ, КВВГ, АКВВКЭ, КВВГЭ, ПВ, АПВ, ВПП, ВПВ, А, АС, М, МГ, МГЭ, ВВГ, АПВГ, АВВГ, АСБ, СБ кучланиши 3 дан ортиқ кВгача, АППБН, ПБНГ, ПУНП, ПРППМ, ППБН, ППС, ПУГНП, ПУН, ТРБН, ПВДПО, Сим ММ, МТ

ВА БОШҚА КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Маҳсулот сертификатланган, сифати аъло, баҳоси рақобатбардош.

«O’zkabel» ОАЖ бизнес бўйича ҳамкорлик қилишга доимо тайёр, ўзаро муносабатларни қадрлайди ва уларнинг келгусида янада мустаҳкамланишига ҳаракат қилади.

Биз сиз билан бирга, сиз учун, сизнинг порлоқ келажагингиз мақсади йўлида меҳнат қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ф. Хўжаев к., 2-уй.
Телефонлар: 162-39-58, 162-93-65, 162-02-36, 162-02-41.
Факс: 162-35-71, E-mail Uzkabel @ mail.ru

ҲАРАКАТ ПЛЮС

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.



Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.

***Кўпинча яшашдан муддаомиз нима, ҳаётнинг маъноси нимада деган ўринли саволлар хаёлимиздан ўтади. Уларга аниқ жавоб бериш аслида мушкул. Шундай бўлса-да, айниқса, ўспиринлик даврида, ҳаётий қадриятлар онгимизга сингиб борган сари, саволларга жавобимизга қараб, жамиятда ўз ўрнимизни топиб бораётганимиздан ғурурлана бошлаймиз.***

## *2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*



# СОҒЛОМ ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

90-йилларнинг бошларида ёшлар ўртасида тадқиқот олиб бориб, уларнинг ҳаётдаги энг муҳим қадриятларга муносабатларини ўрганган эдим. Шунда ёшларимиз учун "оила ва никоҳ", "яхши касб эгаси бўлиш", "саломатлик" каби қадриятлар "моддий таъминланганлик", "маълумотлилик", "фарзанд кўриш" кабилардан устивор бўлгани мени мамнун этганди. "Саломатлик, соғлом бўлиш" қадрияти биринчи учлик қаторидан жой эгаллаганди. Яқинда жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" марказининг 2004 йилда ўтказган социологик тадқиқоти тақдимотида иштирок этдим. Марказ илмий ходимлари мамлакатимизнинг қатор худудларида турли ёш, касб ва жинс эгалари ўртасида бўлиб, ўша пайтда биз таклиф этган қадриятлар қаторига мазмунан яқин саволнома асосида фуқаролар фикрини ўрганганлар. Натижаларга кўра, XXI асрнинг бошида яшаётган юртдошларимиз учун ҳам "оила ва фарзандлар" қадрияти биринчи ўриндан (82,7%), "саломатлик" иккинчи ўриндан (52,3%), "моддий таъминланганлик" учинчи ўриндан жой олган. Қадриятлар рейтингида оиланинг биринчи ўринда сақланиб келаётгани халқимиз учун ушбу масканнинг яшашнинг маъноси сифатидаги нуфузини кўрсатса, "саломатлик" қадрияти учинчи ўриндан иккинчига ўтган. Бунинг ҳам объектив сабаблари бор, албатта. Фикримча, бугун онгли, ақли фозил инсон саломатликнинг ҳаёт-мамот учун нақадар зарур ҳолат эканлигини тобора теранроқ англамоқда.

"Соғлом танда — соғ ақл" деган халқ нақлининг ёшлигимиздан онгимизга сингдирилганига қарамай, ана шу ноёб бойликка эътиборсизлигимиз ҳам йўқ эмас. Ҳар бир одам соғлом бўлсагина яхши меҳнат қилиши, илҳом билан ижод қила олиши, еган луқмаси танасига сингиши, тиниқиб ухлашини билса-да, ўша соғ ҳолатини сақлаш, уни эҳтиёт қилиб, ўз вақтида "парвариши"ни қилиш — бу фақат ўз манфаатига алоқадорлигини унутади.

Фанда инсон саломатлигининг жисмоний, руҳий, ақлий қувватга боғлиқлигини ўрганадиган соҳалар бор. Масалан, инсон саломатлиги, маънавий баркамоллиги, гўзаллиги тўғрисидаги илмий манбаларни варақлаб, ***калокагатия, ортобиоз*** каби атамаларга дуч келдим. Бу сўзларнинг маъносини тиббиёт ходимлари, психологлар яхши билишади. Лекин мен шу атамалардан ҳам кўра, уларнинг ортида турган маънога юртдошларимнинг диққатини тортгим келади. ***Калокагатия*** – грекча сўз бўлиб, бизнинг тушунчамиздаги яхшилик билан ибратли хулқнинг бирлиги, ахлоқийлик билан гўзалликнинг уйғунлигини билдиради. ***Ортобиоз*** эса лотинчадан ўгирилса, оқилона, яъни ақл билан ташкил этилган турмуш тарзини англатади.

Шуниси қувонарлики, буларнинг барчаси азалий қадриятларимизга, ҳаёт тарзимиздаги маънавият ва ахлоқ, эстетика билан гўзал ва ибратли хулқ уйғунлигига боғлиқ тушунчаларимиздан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам хаёлимга илмий терминологиялардан кўра ўзимизга, ўзбеклигимизга мос ҳаёт тарзимиздан қолмайлик, деган фикр келаверади. Зеро, азалдан оталаримиз, момоларимиз ва уларнинг рўзғор юритиш маҳоратларига ҳамма ҳавас қилган. Бизнинг хатомиз шундаки, ўзимиз билиб-билмай, мана шу қадриятлардан бироз чекиндик, бошқача андозаларни ўйлаб-ўйламай қабул қилдик ва шу туфайли нафақат жисмоний саломатлигимиз, балки руҳий, маънавий, керак бўлса, ахлоқий саломатлигимизга путур етказиб қўяй дедик. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда саломатликни ҳар бир инсон ўзининг ҳаётий фалсафасига айлантириши лозимлиги тўғрисидаги фикрни уқтириб ўтдилар. Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги ва унга биринчи навбатда шахснинг ўзи масъул эканлиги, ҳукуматимизнинг эса зарурат ва эҳтиёж пайдо бўлганда, фуқароларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча чора-тадбирларни кўришга тайёр эканлиги ғояси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 январда қабул қилган "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг мазмун ва моҳиятида яна бир карра ўз аксини топди.

Демак, тани соғлиқ халқимиз учун энг муҳим қадриятлардан бўлиши билан бирга у ҳар биримизнинг дунёқарашимиз, фалсафамиз, мафкурамизнинг, оқилона турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлаги бўлмоғи даркор. Давлат дастурининг бандларини синчиклаб ўрганар эканмиз, унда ҳар бир шахснинг ўз саломатлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини энг аввало ўзи учун, қолаверса, яқинлари учун ташкил этишга боғлиқ шарт-шароитларни яратиш ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Очиқ эътироф этиш лозимки, фуқаролар соғлиғига ҳукуматнинг бундай ғамхўрлиги бирор бир давлатда йўқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, ҳўш, одамларни ўз бойлиги бўлган саломатлигига мана шундай оқилона ёндашишга ўргатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш шартми, ахир бу ҳар бир инсоннинг шахсий иши эмасми?

Минг афсуски, дарахтнинг бўйи йиқилганда билинганидек, инсон боласи саломатлигини йўқотгандан кейингина унинг қадрини англай бошлайди. Инсон манфаати, унинг шу ҳаётдан рози бўлиб яшаши устида қайғурган давлатимиз эса ўз фуқароларининг саломат бўлишига эришиш стратегик аҳамиятга эга бўлган омил эканлигини тўла англайди. Давлатимиз раҳбарининг, ҳукуматнинг мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, чақалоқлар ўлимига йўл қўймаслик, ҳомиладор аёл ёки фарзанд кўрган ёш онанинг саломатлигига қайғуриши — миллатнинг кучли ва наслнинг тоза бўлиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни рўёбга чиқарувчиларнинг меҳнати самарадорлиги ва унумини ошириш орқали мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига эришиш мақсади билан уйғундир.

Энди Сизу бизга Оллоҳ томонидан берилган неъмат — саломатликнинг моҳиятига оддий қилиб таъриф бериб кўрсак. Саломатлик — бу инсон тани-вужуди ва руҳиятидаги шундай ҳолатки, у ҳозир, айни пайтда бетоб эмас ва шунинг учун у турмушдаги, ҳаётдаги кўплаб бурчлари, вазифаларини бажариш имкониятига эга. Қолаверса, айни ҳолат яхши ва хайрли, эзгу ишларни амалга ошириш учун реал имкониятдир. Демак, соғлом бўлсаккина биз бунёдкорлик амалларига қодир бўламиз, оиламиз фаровонлиги ва тўкинлигини таъминлаймиз. Бу ҳам ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатдир.

Шу боис ҳам Давлат дастурида "Соғлом оила" тарбиявий-маърифий дастурини амалга оширишга йўналтирилган қатор чора-тадбирларнинг белгиланганлиги бежиз эмас. Уларнинг маъноси шундаки, саломатлик энг аввало мавжуд муҳитга, одамларнинг бир-бирларига меҳрли, мурувватли, ғамхўрликка ва самимиятга тўлиқ муносабатларига боғлиқ. Шу маънода, саломатлик психологик категория бўлиб, унинг шарти ва шароити – соғлом оила муҳитидир.

Оилада ота-онага, уларнинг кекса ота-оналари, яқин жигарлари, бир-бирлари ва фарзандлари билан бўладиган муомала маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Улар шу гўшадаги барча ҳодисаларнинг балогардонлари сифатида, энг аввало, ўз соғлиқларига ўзлари масъул эканлигини унутмасалар, уни сақлашга алоқадор барча эҳтиёт чораларни ўз вақтида кўргани ҳолда оилада самимият муҳитини шакллантира олсалар, бу муҳит тўла маънода одамлар орасида юриб, ўқишмиди, ишмиди, адо бўлгач интиқлик билан интиладиган масканга айланади. Соғлом вужуд ва муомалага эга одам, у отами, онами, турмуш ва рўзғордаги барча паст-баландликлар, турли вазиятлар, керак бўлса, қийинчиликларга тез мослашиб, улардан оқилона чиқиш йўлларини била олади.

Иккинчидан, одам унча-мунча нарсага асабини таранглаштириб, жиззакилик қилавермаслиги керак. Тўғри, ҳаётда асаббузарликлар бўлади. Инглиз олими Ганс Сельенинг ёзишича, стрессдан чиқишнинг йўлларидан бири, асаб таранг турган пайтда ўзини чалғита билиш, керак бўлса, уни важоҳат ила қайтаришдир.

Оилада-чи? Биз оддий оила муҳитида бир нарсадан толиққанимизда ёки асабимиз бузилганда, дардимизни айтадиган ҳамдардимиз, яқинларимиз бўлишига ўзимиз эришишимиз керак. Менинг тенгқурларим аёлларнинг кўплари ишдан чарчаб келиб, суюкли фарзандларини, набираларини бағриларига босиб маза қиладилар. Шу тариқа инсон турли вазиятларда ишга, ижодга қобилиятини сақлай олади, ўзининг соғ ва саломатлигига шукрона келтириб, яхши умид ва муддаолар билан яшаб, ҳаётдаги муваффақиятларидан ҳаволаниш ўрнига яна ўз олдига янги ва эзгу мақсадларни, марраларни қўяверади. Шу тариқа доимий ҳаракатда, эл назарида бўлади, оиласи, фарзандлари учун, ҳалол луқма учун маблағ ҳам топади. Ана шундай ҳаётий фалсафа ва йўналиш билан яшаган инсон албатта, бахтли ва соғ-саломат бўлади. Муҳими, бундай ҳаётий мўлжаллар, жисмоний ва руҳий тетиклик, бардамлик у тарбиялаётган болаларнинг бахти ва келажакка интилишига ишончли замин яратади. Мен ана шундай ота-она тарбиялаган фарзандларга ортиқча ўгитлар даркор эмас, деб ҳисоблайман. Оқилона турмуш тарзига эга оиладан чиққан фарзанднинг фикрлаш тарзи ҳам тўғри, мустақил ва тиниқ бўлади. У ҳар хил ҳавойи ҳавасларга берилмайди, турли бидъатларга ишонмайди, ғаламисларнинг ўринсиз, бемаза даъватларига учмайди. Чунки инсон ақлини, унинг тафаккурини пешлайдиган, танасини соғ, вужудини гўзал қиладиган маънавий озуқани оиласида олган фарзанднинг ўз бахт ва камол йўлини топиб кетишига шубҳа йўқ.

Мен Сиҳат-саломатлик йилида юртимиздаги ҳар бир оилага ана шундай мустаҳкам ва боқий саломатлик гўшасига эга бўлишни, авлодлар анъаналари бардавомлиги-ю, тўрт мучаси соғ зурриёдлар дунёга келишини тилайман.

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**

# Спорт

## Осиё чемпионати олдидан

Кеча эркин кураш бўйича ўсмирлар терма жамоамиз Қирғизистон пойтахти Бишкекда ўтказиладиган халқаро турнирга жўнаб кетди. Мураббий Александр Недорезов таркибга Феруз Нусратов, Ихтиёр Наврўзов, Ўктам Тўйчиев, Артём Присяжнюка, Нагмет Ешетаев, Акрам Рустамов ва Воҳид Тошев сингари умидли ёшларни таклиф этган. Ушбу нуфузли мусобақа жорий йилнинг июль ойида Японияда ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Қизлар баҳси

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Қ.ҚАРШИЕВ).*** Пойтахтимизда ўқувчи-ёшларнинг Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилаётган мусобақалари давом этмоқда.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган бундай тадбирларнинг ташкилотчилари — Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ҳамда Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши.

Хамза туманида ўтган мусобақада ўн олти мактабнинг 10-14 ёшли қизлари сузиш, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашди.

Сузишда 227-мактабнинг тўртинчи синф ўқувчиси Гулзода Асқарова ғалаба қозонган бўлса, стол тенниси баҳсларида эса шу мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Наргиза Саидхўжаева барча рақибларини мағлуб этди. Шахмат ва шашка ўйинларида 206-мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси Гулнора Ҳотамовага тенг келадиганини топилмади.


# «G`ALLA-ALTEG» ОАЖ

**2004 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши 2005 йил 17 март куни соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уйда ўтказилишини маълум қилади.**

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:**

1. *ОАЖ ижроия органининг 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти, бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2005 йил вазифалари ҳақида.*
2. *2004 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш, фойда ва зарарни тақсимлаш ҳақида.*
3. *2004 йилга аудиторлик текшируви ва тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш ҳақида.*
4. *2004 йил 2-ярим йиллиги натижалари бўйича дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳақида.*
5. *ОАЖнинг 2005 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш ҳақида.*
6. *2005 йил жамият аудиторини тасдиқлаш ҳақида.*
7. *Бошқарув аъзоларини сайлаш ва тузилган меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.*
8. *ОАЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.*
9. *Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақида.*
10. *Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида.*
11. *ОАЖ низоми ва меъёрий ҳужжатларининг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида.*

Акциядорларнинг реестри 2005 йил 15 февраль ҳолатига ёпилади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи бўлган акциядорлар рўйхати ОАЖнинг 2005 йил 15 февраль ҳолатига ёпиладиган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш — соат 12.00 дан 13.50 гача.

**Маълумот учун телефонлар: 67-53-10, 68-36-51.**

*Кузатув кенгаши.*

*Корхона ва ташкилотлар диққатига !*

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

*қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:*

1. **Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Кадан қўрғонида қурилаётган 100 ўринли шифохонани бир сменада 150 кишига хизмат кўрсатиш поликлиникаси ва 120 ўринга мўлжалланган терапевтик корпусга мослаштириш.**
*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 10,5 ой.*
2. **Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жартепо қишлоғида 600 ўринли маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.**
*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 11 ой.*
3. **Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Сепки-Ингичка қўрғонида марказий сув тармоғи қурилиши.**
*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 5 ой.*
4. **Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Сахоба қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилиши.**
*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 5 ой.*

Буюртмачи — **Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.**
Манзили: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 35-82-86.**

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона.**
**Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00 мурожаат қилиш мумкин.**

***Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига !** Товар сертификатланган

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.



**«ГАЗ-31105»**



**«ИЖ-2717»,**



**«ВАЗ-2106»**



**«ГАЗЕЛЬ»**

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

*Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлар диққатига!*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВА «ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ

**2005 йилнинг 8 февраль куни соат 11.00 да пахта кунжараси ва шелухаси бўйича Тошкент вилояти истеъмолчиларига кимошди савдосини ўтказади.**

**Савдога Тошкент ёғ-мой комбинатининг февраль ойи учун мўлжалланган маҳсулоти тақдим этилади.**

Савдода қатнашиш учун 8 февралгача пахта кунжараси ва шелухасига бўлган бир ойлик эҳтиёжи учун талабнома топшириш зарур.

Иштирокчиларни рўйхатга олиш 2005 йил 8 февраль соат 9.00 дан қуйидаги манзилда ўтказилади: **Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-уй.**

Тақдим этилган маҳсулотнинг ҳажми, бошланғич нархи ва лотларга тақсимланиш тўғрисида тўлиқ маълумотни ЎзРМХБдан олиш мумкин.

**Маълумот учун телефон: 139-83-88, тел./факс: 139-22-27.**

*Таъсисчилар умумий йиғилишининг 2005 йилнинг 20 январдаги қарорига биноан «HORDIQ PLUS» масъулияти чекланган жамияти*

**ТУГАТИЛАДИ.**

*ОКПО коди 18722679.*

*Барча даъво ва аризалар эълон чиққан кундан эътиборан икки ой мобайнида Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси 41-уйда қабул қилинади.*

**Телефон: 136-55-94.**


Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази жамоаси марказнинг собиқ директори

**Аҳад Комилович МАХАМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзРФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси бош директор, биология фанлари доктори, профессор Озодбек Ашурметовга опаси

**ТУРСУНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Kurash» халқаро журнали таҳририяти Самбо кураши бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Сайфиддин Ҳодиевга ўғли

**Ҳусниддин ҲОДИЕВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(т)-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.40 23456